



## Қайси бир мусулмон кишига фарз намоз (вақти) келса-ю, унинг таҳоратини, хушуъ ва рукуъсини яхшилаб адо этса, мадомики гуноҳи кабира қилмаган бўлса ўзидан олдинги гуноҳларга каффорат бўлади. Бу ҳар доим шундайдир

Усмон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни шундай деганларини эшитганман: «Қайси бир мусулмон кишига фарз намоз (вақти) келса-ю, унинг таҳоратини, хушуъ ва рукуъсини яхшилаб адо этса, мадомики гуноҳи кабира қилмаган бўлса ўзидан олдинги гуноҳларга каффорат бўлади. Бу ҳар доим шундайдир».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам баёнламоқдаларки, қайси бир мусулмон кишига фарз намози вақти кирса-ю, таҳоратини тамомий қилса, сўнгра намозида хушуъ қилса, яъни, қалби ва бутун аъзолари билан Аллоҳга иқбол қилиб, унинг улуғлигини ҳис қилса ва шу билан бирга руку-сажда каби намознинг бошқа қисмларини тўлиқ бажарса, катта гуноҳларни бажармаган бўлса, олдинги барча кичик гуноҳларига каффорат бўлади. Бу фазилат ҳар бир намозда қанча вақт ўтса ҳам қолаверади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/6254>

